# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 111 (9.761) 2002 йил 20 сентябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Литвага расмий ташрифига доир

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус таклифига биноан шу йил 23-25 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Литвада меҳмон бўлади.**

**Ташриф давомида Ўзбекистон-Литва муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама этиш ҳамда қатор муҳим икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушдан миннатдорлик мактуби келди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарган Олтинкўл тумани пахтакорларига табрик йўллади.

• Сурхондарёлик пахтакорлар ўрта ва ингичка толали пахтанинг биринчи теримидан 38 минг тонна уруғлик пахта тайёрлаб, бу соҳадаги шартнома-режани бажардилар.

• Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига ўн йил тўлиши муносабати билан Малайзия ҳукумати Тошкент Ахборот технологиялари университетига 16 дона замонавий компьютер тақдим этди.

• Пойтахтимиздаги Рус Академик драма театри биносида мамлакатимизда Япония Маданият кунларининг тантанали расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтида бўлиб ўтган республика семинарида мамлакатимиз демографик тараққиётининг долзарб масалалари муҳокама этилди.

• Тошкент Давлат техника университети биносига кираверишдаги сўлим хиёбонда Конституция боғи барпо этилди.

• Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

• Тошкентда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ажратилган навбатдаги грантлар бўйича шартномалар имзоланди.

• **Кеча** Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ўқув-семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «050» хизматининг иши билан танишдилар.

• **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан сониясига 3-8 метр тезликда шамол эсди. Ҳаво ҳарорати кундузи 34-36 даража иссиқ бўлди.

### Жаҳонда

• Ироқ раҳбарияти БМТ мутахассис -текширувчиларини ҳеч қандай шартларсиз ўз мамлакатига киритишга розилик берди.

• Пентагон раҳбари АҚШ Конгрессини Ироққа қарши ҳарбий кучларни қўллашга рухсат беришга даъват қилди.

• **Бугун** Остонада Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги давлатлараро кенгашининг навбатдаги йиғилиши очилади. Унда Россия, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон ва Тожикистон Бош вазирлари иқтисодий интеграция масалаларини муҳокама қиладилар.

• Айни вақтда Вашингтонда турган Россия мудофаа вазири Сергей Иванов расмий Москва Грузия ҳудудидаги жангариларнинг йўқ қилинишида шошмаслигини айтган. Лекин у Россия томон ҳаракатланиши мумкин бўлган бу жангариларга қарши эҳтиёт зарбалари берилиши эҳтимоли борлигини ҳам билдирган.

• АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучлари Ироқнинг жанубидаги объектларга ҳужум уюштиришди.

• Исроилда яна бир йирик террорчилик ҳаракати содир этилди. **Кеча** фаластинлик «камикадзе» Тель-Авив кўчаларидан бирида йўналишдаги автобусни портлатиб юборган. Шунинг оқибатида етти киши ҳалок бўлган, 50 киши жароҳат олган.

• **Кеча** КХДР армияси ва Жанубий Корея ҳарбийлари икки давлат ўртасидаги хавфсизлик зонасини миналардан тозалашни бошлади.

• Украина Президенти Леонид Кучма мамлакатда вужудга келган вазиятни бартараф этиш учун ҳукумат ва мухолифат вакиллари музокаралар бошлаши зарур деган фикрни билдирди.

• Ҳиндистоннинг Жамма ва Кашмир штатида қонун чиқариш ассамблеясига сайловлар бўлиб ўтди.

• Афғонистоннинг собиқ раҳбари Муҳаммад Зоҳир шоҳ Францияга жўнаб кетди. 86 ёшни қаршилаган шоҳ бу ерда тиббий муолажа олиши керак.

• Жанубий Кореянинг Чжу шаҳрида дзюдо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Санжар Зокиров олтин медаль соҳиби бўлди.

• Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтаётган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси **бугун** ярим финалда Жанубий Корея терма жамоасига қарши майдонга тушади.

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

*БУНЁДКОРЛИК*

**Пойтахтимиз чиройини муҳташам иншоотлар билан биргаликда замонавий ва кўркам турар жой бинолари ҳам янада гўзаллаштириши, шуб-ҳасиз. Айниқса бугунги кунда маҳоратли бунёдкорларимизнинг ғайрат-шижоатлари билан қад ростлаётган, ҳам ташқи кўриниши, ҳам ички шинамлиги ва қулайликлари билан хонадон эгаларига манзур бўлаётган кўп қаватли уйларга бахтли оилаларнинг кўчиб кираётганлиги қувонарлидир.**

## Қурувчилар ғайрати





Мустақиллик байрами кунларида ҳам ўнлаб оила аъзолари уй тўйларини нишонлашди. Бунда албатта, шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Уйжойқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 1-қурилиш конвейери бошқармаси қурувчиларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Бошқарма бунёдкорлари пойтахтимизнинг Нукус кўчасида 5 та 12 қаватли турар жой биноларини, Мирзо Ғолиб кўчасида 4 қаватли кўркам уйларни қуришда фаол иштирок этишмоқда. Нукус кўчасидаги уйларнинг 4 таси ҳамда Мирзо Ғолиб кўчасидаги 3-уй муваффақият билан эгаларига топширилди. Айни кунларда эса қурувчилар навбатдаги уйлар қурилишини жадаллаштириб юборишди.

— Албатта, турар жой бинолари қурилишида тажрибаларимиз етарли, — дейди бош муҳандис Шавкат Ҳамзин. — Шу боис ҳам лойиҳада кўрсатилган ишларни ҳамиша пухта ва ўз вақтида бажарамиз, қурилиш материалларидан унумли фойдаланамиз. Ишимиз унумини таъминлашда эса техника воситалари мададкоримизга айланган. Мақсадимиз чиройли ва шинам уйлар қурилишида иштирок этиб шаҳримизга файз бағишлаш ҳамда ушбу турар жой биноларида яшовчилар дилини хушнуд этишдир.

Қурувчилар фойдаланишга топширилган уй ёнидаги яна бир турар жой биносини йил охиригача қуриб битказиш ниятида. Шу боисдан ҳам қурилиш майдонида ҳар доимгидек иш қизғин. Кетма-кет келаётган қурилиш материаллари эса уларнинг ғайратига ғайрат қўшмоқда. Ана шу шижоат боис бири-биридан шинам уйлар қад ростламоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонида; ишбоши Эркин Қурбонов.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

## Қисқа сатрларда

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимизда нарколог шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган ўқув семинари гиёвандликка қарши курашда янги усуллардан фойдаланиш масаласига бағишланди.

• **РЕСПУБЛИКА** Фонд биржасида қимматли қоғозлар бозори ҳақида маҳаллалар аҳолиси ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида уюштирилган очиқ савдо сессиясида шаҳримиз маҳаллаларининг фаоллари қатнашишди.

• **ТОШКЕНТ** енгил саноат ва тўқимачилик институтида тўқимачилик маҳсулотларини сертификатлаш маркази фаолият бошлади.

• **«БАҲОР»** концерт залида Ўзбекистон халқ артисти Исахор Оқилов хотирасига бағишланган кеча санъаткорлар ва санъат ихлосмандлари иштирокида бўлиб ўтди.

• **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида китоб графикаси рассомлари Шуҳрат Одилов ва Соҳиб Раззоқовларнинг асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

• **РЕСПУБЛИКА** онкология илмий маркази ҳамшиларалари иштирокида ўтказилган кўрик-танлов «Қувноқлар ва зукколар» деб номланди.

**Куни кеча муҳташам Ўзбекистон Давлат консерваториясида Халқаро симфоник мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

## Мусиқа ижодкорлари учрашуви

Дастлабки фестиваль шаҳримизда 1998 йилда бўлиб ўтган эди. Икки йил ўтгач симфоник мусиқа ижодкорлари яна дийдор кўришдилар. Иккинчи фестиваль ҳозирги замон ўзбек бастакорлари ижодининг юксак бадиий савиясини, унинг чин маънода миллий руҳ билан йўғрилганини намоён этган эди.

Бу йил Тошкент симфоник мусиқа ижодкорлари ва ихлосмандларини учинчи марта кутиб олмоқда. Бу галги фестивалга АҚШ, Германия, Корея, Италия, Ливан, Туркия, Россия, Қозоғистон ва бошқа ўндан ортиқ давлатлардан мусиқашунослар, санъат ихлосмандлари ташриф буюрдилар. Эрта билан меҳмонлар аввало улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев сўзга чиқиб мусиқа анжумани қатнашчиларини қутлагач, симфоник мусиқа концерти бўлиб ўтди. Унда таниқли бастакорларнинг Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ижросида ҳамда фестиваль қамтнашчиларининг асарлари ижро этилди. 23 сентябргача давом этадиган бу халқаро мусиқа фестивалида меҳмонлар Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида, Католиклар ибодатхонасида, Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номидаги театрда, Жиззах шаҳридаги санъат коллежида ва шаҳримиздаги Успенский номидаги мусиқа мактабида бўлиб, симфоник ва камер мусиқа концертини намойиш қиладилар ҳамда ижодий учрашувлар ўтказилади.

Фестивалга ташриф буюрган мусиқашунослар орасида Атибхон Патарадетписан (Таиланд), Шигеру Кан-но (Германия), Невит Кодалли (Туркия), Марк Минков (Россия), Кадиша Опалбаева (Қозоғистон) ва бошқа кўплаб бастакорлар, дирижёр ва ижрочилар бор.

**Гулруҳ ШОКИРОВА**

*САНЪАТ*

## ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**Республикамизда чет эл киноҳафталиклари, фестиваллар ва маданият кунларини ўтказиш яхши анъанага айланган.**

Айни кунларда шаҳримизда Япония Маданият кунлари қизғин давом этмоқда. Унинг доирасида ўтказилаётган кенг кўламдаги тадбирлар кунчиқар мамлакат халқининг маданияти, амалий санъати, урф-одатларини яқиндан таништириш имконини беради. Япония Маданият кунлари доирасида ўтаётган тадбирлар икки мамлакат халқларининг ҳамкорлигини янада жипслаштиришга, ўзаро дўстона алоқаларни янада кенгайтиришига.шубҳа йўқ. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон билан Япония ўртасида кейинги йилларда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда. Бинобарин, шу йил Президентимиз Ислом Каримовнинг Японияга расмий ташрифи ва унда имзоланган ҳужжатлар, дўстлик, ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ҳам мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Япония Маданият кунларининг бу галги дастурлари ранг-баранг бўлиб, ўзига хослиги, кенг миқёсда ўтказилиши билан аввалгиларидан ажралиб туради.

Маданият кунларининг навбатдаги тадбирлари замонавий санъат маркази, Киночилар уйида, халқ амалий санъати музейида бўлиб ўтади.

28 сентябрдан 27 октябргача эса бир ой мобайнида Япония амалий санъат кўргазмаси замонавий санъат марказида бўлиб ўтади. Шунингдек, Япония маданияти кунлари доирасида япон кинолари, мультипликацион фильмлари намойиш қилинади. Бундан ташқари халқ амалий санъати музейидан япон қўғирчоқларининг кўргазмаси ўрин олади. Бундан ташқари Япония иқтисодиётининг асосий йўналишлари, таълим тизимидаги ислоҳотлар, кунчиқар мамлакатнинг бугунги кундаги оммавий ахборот воситалари фаолиятига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтади.

**Дилором ИКРОМОВА**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Юртимизда тадбиркорлик фаолияти ривожланиб, мулкчиликнинг турли шаклларига оид компаниялар тузилаётганининг гувоҳимиз. Айтингчи, холдинг компаниянинг оддий компаниялардан қандай фарқи бор?**

**Ш.Рашидов.**

Холдинг компанияси дивиденд кўринишида даромад олиш ва улар фаолияти устидан назорат ўрнатиш мақсадида устун даражада бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетларини харид қилиш учун ўз сармоясини сарфлайдиган акционерлик компаниясидир. Тадбиркорликнинг холдинг усули йирик инвестицияларни талаб этиши сабабли у бир нечта жисмоний ёки юридик шахсларнинг сармояларини бирлаштириш асосида амалга оширилади.

* * *

**Турмуш ўртоғим ҳозирги вақтда ишламайди. Яқинда мен меҳнат бўлимларида ишсизлик нафақалари тўланиши ҳақида эшитиб қолдим. Илтимос, ишсизлик нафақаси кимларга тўланиши ҳақида маълумот берсангиз.**

**Ф.Халилова.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 65-моддасига биноан, ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат бўлимида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кечи билан 11 кундан эътиборан кучга киради.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

— ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга 12 ойлик давр мобайнида 26 тақвим ҳафта;

— илгари ишламаған ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса 13 тақвим ҳафта мобайнида тўланади.

* * *

**Маълум муддат бедарак йўқолган ёки ўлган деб эълон қилинган шахс қайтиб келса, эр ва хотин ўртасида тузилган никоҳ масаласи қандай ҳал қилинади?**

**У.Назарова.**

Маълум муддат бедарак йўқолган ёки ўлган деб гумон қилинган эр ёхуд хотин қайтиб келганида ва суднинг бу ҳақдаги ҳал қилув қарори бекор қилинганида, унинг хотини ёки эри янги никоҳга кирмаган бўлса, никоҳ тикланган ҳисобланади. Бунинг учун эр-хотиннинг ариза беришлари шарт эмас. Қонун билан белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган эр ёки хотин қайтиб келганида, агар шу асосда тегишли идора томонидан никоҳ бекор қилинган бўлса, суднинг уни бедарак йўқолган деб топиши тўғрисида ҳал қилув қарори бекор қилингач, эр ва хотиннинг биргаликдаги берган аризасига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораси никоҳни тиклайди. Агар бедарак йўқолган деб топилган шахснинг эри ёки хотини бошқа никоҳга кирган бўлса, никоҳнинг тикланиши мумкин эмас.

* * *

**Мен бу йил олий ўқув юртини тамомладим. Ёшим 24 да. Ҳозирги пайтда магистратурада таҳсил олмоқдаман. Айтингчи, мени муддатли ҳарбий хизматга чақиришадими?**

**Х.Кароматов.**

Агар магистратурани тамомлаган пайтингизда 27 ёшга тўлмаган ва ўқиш давомида ҳарбий кафедрада ўқимаган бўлсангиз сиз ўн икки ой давомида ҳарбий хизматни ўташ учун чақириласиз.

* * *

**Айрим вақтларда кўз ёши ҳам фойдали, деган гапларни эшитиб қоламиз. Шу тўғрида билмоқчи эдик.**

**Ҳ.Усмонова,**
**В.Абдуқодиров.**

Ҳа, тўғри. Кўз ёши кўзнинг меъёрий вазифасини сақлаб туриш учун зарур бўлади. У кўз соққаси юзасини намлайди, мугуз парданинг силлиқ ва тоза бўлишини таъминлайди, микроблар ҳамда ёт таначаларни механик равишда ўз-ўзидан йўқотиб туради.

Соғлом одамнинг кўз ёши тиниқ, бир оз ишқорий реакцияга эга бўлади ва таркибида 99 фоиз сув, 0,1 фоизга яқин оқсил, 0,8 фоиз минерал тузлар бор. Шунга кўра кўз ёшининг таъми шўр бўлади. Сутка мобайнида бир куб сантиметр кўз ёши ажралиши нормал ҳисобланади.

Нормал шароитларда кўзни намлаб туриш учун кичик безчалар ишлаб чиқарадиган суюқлик етарли бўлади. Бироқ кўз механик шикастланганда ва унинг атрофидаги соҳаларда ёки бурунда яллиғланиш жараёни пайдо бўлганда, совуқда, шамолда, шунингдек одам ҳаяжонланганда, руҳий-асабий омиллар таъсирида катта кўз ёши безлари ишга тушади.

Кўз ёши аппаратининг тўғри ишлаши жуда муҳимдир, шунинг учун ҳар қандай ҳолларда — кўз кўп ёшланадиган бўлса, ёки кўз қуриб кетаверса, албатта, шифокорга бориш керак.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### «Тўйдан кейин ноғора»

Ушбу сарлавҳа мавзуимизга унчалик тўғри келмасада, тубандаги ҳаётий лавҳани шундай деб номладик. Чунки биз кўпинча инсонни тириклигида қадрига етмаймизда, ҳаётдан кўз юмгандан кейин оҳвой қилиб қоламиз. Бу қилмишимиз худди тўйдан кейин чалинган ноғорани эслатади. Ҳамма нарса ўз вақтида бўлганидек тўйдан кейин чалинган ноғоранинг ҳам унчалик қадр-қиммати бўлмайди.

Муборак хола оламдан ўтибди, деган нохуш хабарни эшитиб унинг эшигига бордик. Йўлакда учтўрт чоғли ҳассакашлар бел боғлаб туришарди. Улар орасида холанинг арзанда ўғли Холиқвой ҳам бор. Таъзияга келаётганларни кўриб ўтирганлар ўринларидан туришди. Таомил бўйича қуръон тиловат қилингач Холиқвой кўз ёш қилиб биз томон кела бошлади.

— Онажонимдан айрилиб қолдим отахон, — дея мени маҳкам қучди. Тасалли бердим. Унга тангри таолодан сабр-тоқат тиладим.

— Узр, ўғлим. Биз кечроқ эшитдик. Жанозага қатнашолмай қолдик.

— Сизларку майли-я, ёлғиз ўғил бўла туриб ўзим онажонимнинг жанозаларига кела олмай қолганим алам қилади менга. Уларни сўнгги йўлга кузата олмаганимдан армондаман отахон.

Сабабини сўрасак Холиқвой қайсидир дам олиш масканида хотини билан меҳнат таътилини ўтказаётган экан. Хабар унга эртасига етиб борибди. Марҳума ерга қўйилганининг иккинчи куни у уйига етиб келибди.

— Қари, касалванд кампирнинг ёлғиз ўзини қолдириб чакки қилган экансизлар-да, — дедим бироз ғашланиб.

— Туппа-тузук эдилар. «Кўриб турибсан, икки йилдан бери ранг кўр, ҳол сўр бўлиб ётибман. Ҳалибери ўлмайдиганга ўхшайман. Бориб дам олиб келаверинглар», дедилар. Шу гапларига ишониб кетган эдик.

Нима дейман. Индамадим. Гапирган билан энди фойдасиз. Ёлғиз ўғил бўла туриб кексайган онасини ҳайҳотдек ҳовлида яккалатиб ўзи алоҳида уйда хотини билан яшаётган ўғилга нима ҳам дердим. Онасининг беморлигини била туриб аёли билан дам олишни ихтиёр этган фарзандга нима дейин.

— Ота айтинг, қандай қилсам гуноҳим ювилади? Онамнинг руҳи олдида юзим ёруғ бўлади.

Шу тобда бирон сўз айтишга ожиз эдим. Жимликни Холиқвойнинг ўзи бузди.

— Маъракаларини катта қилиб ўтказаман. Қабрларига биров кўрса ҳавас қилгудек тош қўяман.

У тўлқинланиб гапиряпти. Менинг хаёлимда файласуф шоир Мақсуд Шайхзоданинг:

**Дўстлар, яхшиларни авайлаб асранг,**
**«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг,**
**Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан,**
**Уни тиригида бир соат йўқланг,**

деган сатрлари такрорланяпти. Шундан кейин ўз-ўзидан тилим қичиди. Дилимдаги бор гапни шарт Холиқвойнинг юзига айтдим.

— Неки яхшилик бўлса одамларнинг тиригида қилмоқ керак, бўтам. Ўлгандан кейин эса барча қилганларимиз, оҳу-додларимиз бефойда. Булар гўё тўйдан кейин чалинган ноғорани эслатади.

Арзанда ўғил бошини қуйи эгганича мум тишлаб қолди.

### Ичкилик балоси

«Дард тортган яхши билгай дори-дармон қадрини» деганларидек, касалхонага тушган одам борки, бир жойга тўпланиб қолса кўпроқ қайси дори қайси дардга даволиги ҳақида сўз юритади. Шифохонада даволанаётган суҳбатдошларимнинг ҳар кунги бўладиган шу хилдаги гапидан безор бўлиб бу сафар улардан холироқ бўлган ўтирғичга бориб чўкдим.

Кўп ўтмай ёнимга жағи боши аралаш боғланган бир бемор келиб ўтирди. Танишиб ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик. Ҳамроҳимдан бу ерга келиб қолиш сабабини сўраганимда у узоқ жим қолди. Сўнг кўзига ёш олди.

— Кечирасиз, бўтам сизнинг ярангизни тирнаб қўйдим, шекилли, — дейман хижолат бўлиб.

— Ҳеч қиси йўқ, — дейди у кўз ёшларини артиб. Агар ҳозир мен сизга тўсатдан жондан севган онажоним ва меҳрибон укажонимнинг қотилиман десам, биламан, мен билан гаплашмай қўясиз, тўғрими?

Ҳамроҳимнинг бу хилдаги сўзидан этим сесканиб кетди. Ўрнимдан туриб кетишни ор билиб индамай унинг оғзига тикилдим.

— Ҳаммасига ичкилик сабаб отахон, — дея сўз бошлади у. — Аслида ичиб ҳайдаш одатим йўқ эди машинани. Тўйдан қайтаётган эдик. Шу куни нима фалокат юз берди билмайман. Кайф устида рулга ўтирдим. Ёнимда укам, орқа ўриндиқдан онажоним жой олдилар. Катта йўлдан бинойидек бораётган эдик. Шу дамда сигарет чекким келди. Чўнтагимдан олиб уни тутатишим билан кўзимга тутуни кирди. Ҳали кўз очишга улгурмаган ҳам эдим, машина бир нарсага зарб билан урилди. Бир зумда эс-ҳушимни йўқотдим. Нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам касалхонада ҳаммаёғим чандиқ ҳолда ётибман. Тепамда турган милиция формасидаги кишиларни кўриб аввал ҳайрон бўлдим. Терговчилар сўраб-суриштиришларидан билсам машина билан катта тезликда симёғочга бориб урилибман. Дарҳол онам билан укам ҳақида сўрадим. «Тузук» дейишди. Эртасига билсам улар ўша куниёқ оламдан ўтишган экан.

Суҳбатимиз шу ерда узилди. Йигитни ҳамширалар чақириб қолишди. Яна терговчилар келган экан. Шу дамда хаёлимдан не фикрлар ўтмади дейсиз. Ич-ичимдан ичкиликни лаънатладим. Инсоннинг бошига ёғиладиган балоларнинг кўпчилиги шу иллат туфайли содир бўлаётганлигини ўйлаб ўйимга етолмай қолдим. Лекин барибир ичкиликни бало деймизу, шу бало домига ўзимиз гирифтор бўлиб осуда ҳаётимизни баъзан остин-устун бўлишига сабабчи бўлаётганимиздан ўкиндим. Ўйлаб турсам чиндан ҳам мана шу ожизлигимиз кўпинча бизга панд бераётган экан.

### «Бағринг бутун бўлсин»

Ёшлигимизда кексалар шу хилда дуо қилишганда бу сўзнинг унчалик маъносига етмай ҳайрон бўлардик. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб экан-да. Бағри бутунлик нималигини кексайиб, ёлғизланиб қолган одам биларкан.

Тунов куни аёлим касалхонага тушиб ёлғизланиб қолганимда буни яна бир бор ҳис этдим. Яхшиям қизлар, набиралар бор. Барака топишсин. Келиб-кетиб туришибди. Онаси, менинг иссиқ-совуғимдан хабардор. Кундузлари кичкинтойлар билан андармон бўлиб бир дам ёлғизликни унутгандек бўламан. Лекин кечга бориб ҳамма уйига тарқагач гавжум ҳовлимиз ҳувиллаб қолиб ёлғизлик яна ўртай бошлаганда бағри бутунлик фақат фарзандлар билангина эмас, балки жуфти ҳалолинг билан ҳам эканлигини юракдан англаб етаман. Ана шунда ўзимча ишқилиб эркак кишини қариганда аёлидан бир дам бўлсада айирмасин экан-да, деб қўяман.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Жамиятимизда учраб турадиган иллатлардан бири бўлган фирибгарлик жинояти оқибатида соддадил кишилар маънавий ҳамда моддий азият чекиб қоладилар. Бунинг ортидан манфаат кўрадиганлар эса вақтинчалик бўлсада ўз «иш»ларидан мамнун юрадилар. Аммо тартиб посбонларимиз бундай ҳолатларга қарши доимо кураш олиб боради. Юнусобод туманининг 3-мавзесида яшовчи Л.Виктор исмли бир кимса ҳам таниши, Юнусобод туманининг 8-мавзе, 46-уйнинг 48-хонадонида истиқомат қилувчи В.Лини алдаб, «қарзга» деб, унинг 6500 АҚШ долларини олиб кетиб, қайтариб беришни хаёлига ҳам келтирмай қочиб юрган. Охир-оқибат тоқати тоқ бўлган жабрланувчининг аризасига кўра айбдор қўлга олиниб, унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

● Собир Раҳимов тумани ҳудудидаги Абдулла Қодирий номидаги Маданият ва истироҳат боғидаги қурилиш майдонидан «Паркент сув қурилиш» трестига қарашли жами нархи 3.187.000 сўмлик металл қувурларни ўғирлаб кетган жиноятчи ҳам бугунги кунда ўз айбига иқрор бўлиб, афсус-надомат чекиб ўтирибди. Ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида яшовчи К.Абдурасул исмли бу шахс ўйламасдан қилган ушбу ишининг нақадар ножўя эканлигини наҳотки аввалроқ англамаган бўлса?

● Маълумки, ўғирлик жиноят оламида турли-туман усуллар орқали жамият равнақига салбий таъсир етказиб келаётган энг ножўя қилмишлар сирасига киради. Яқиндагина Чилонзор туманининг 3-мавзе 41-уй, 6-хонадонида содир этилган ўғирлик жинояти бошқаларига нисбатан ўзгачароқ бўлса-да, аммо айбдор милиция ходимлари томонидан қисқа вақт ичида қўлга олинди. Чилонзор 14-мавзесида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган В.Андрей исмли бу шахс ўз ғайриқонуний ҳаракатининг бунчалик тез барҳам топиши тўғрисида асло ўйламаган эди. Чунки, у фуқаро Б.Агаевга тегишли ушбу хонадондан ўмарган далилий ашёси, яъни 50000 сўм миқдордаги пуллар билан қўлга олингач, довдираганича қотиб қолди.

● Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ирригация институти биноси олдидан бораётган фуқаро Д.Сейкова бир номаълум шахснинг кутилмаганда ҳамла қилиб, қўлидаги «Моторолла-Т-191» русумли уяли телефонини тортиб олиб, қочиб кетишини асло хаёлига ҳам келтирмаган эди. Сўнгра у кўп ўйланиб ўтирмай дарҳол милицияга сим қоқди. Воқеа жойида ҳозир бўлган Ички ишлар ҳаракати ходимлари ушбу талончини аниқлаб, қўлга олдилар. Бирор жойда ҳалол меҳнат ортидан кун кечиришни ўзига эп билмаган Ҳ.Олимжон кўчасида яшовчи Т.Расулнинг энди боши ҳам бўлиб қолди.

● Яккасарой тумани, Абдуллаев кўчасидаги, 9-уйда жойлашган «Саида-бизнес» қаҳвахонаси ҳар доимгидек одамлар билан гавжум эди. Бир маҳал Юнусобод-13 мавзесида яшовчи И.Мурод исмли йигит укаси И.Иброҳим билан нимандир ўзаро келишиб олдилар-да, шу ерда дам олиб ўтирган, Абдуллаев кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Телебоевни аввалига ҳақоратлай бошлашди. Сўнгра эса, уни уриб, бўйнига сих билан тан жароҳати етказадилар. Шу зайл қаҳвахонада бир зумда тўс-тўполон бўлиб кетди. Кимдир дарҳол милицияга сим қоқди. Қисқа фурсатлар оралиғида ушбу воқеа жойига туман ИИБ ходимларидан иборат тезкор гуруҳ вакиллари ва «Тез ёрдам» машинаси етиб келди. Шундай қилиб, мазкур масканидаги мижозларнинг оромини бузган бу икки безорининг содир этган ножўя ҳаракатлари учун жавоб беришларига тўғри келади. Жабрланувчини эса 16-шаҳар касалхонасига тезда элтиб қўйишди.

● Собир Раҳимов туманидаги Қорақамиш 1 даҳасида истиқомат қилувчи фуқаро Романованинг хонадонида ҳам ўғирлик жинояти содир этилгани ҳақида туман ИИБ га хабар берилди. Воқеа жойида ҳозир бўлган милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида, аввал ҳам судланган бўлса-да, аммо ҳанузгача ўзига тўғри йўлни танламаган. Қорақамиш-1 даҳасида яшовчи И.Эльдар ва унинг укаси И.Нуриклар ўғирланган 409 минг сўмлик турли мол-мулклар билан ушланди.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.**

**КЎРГАЗМАЛАР**

# Шартномалар тизимини таъминлайди

**Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Британиянинг халқаро кўргазмалар компанияси, унинг мамлакатимиздаги ҳамкори Itesa-Osiyo компаниясининг ташаббуси ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва Ахборот агентлиги ва «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг кўмаги остида телекоммуникациялар ва компьютер технологияларининг — «ЎзТел-2002» деб номланган халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.**

«ЎзТел» кўргазмаси юқори имкониятларга эга сармояларни жалб этган ҳолда Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича шартномалар тизимини таъминлайди. Бу йил кўргазмада жаҳондаги 12 давлатнинг 50 дан ортиқ компаниялари иштирок этди. Уч кунлик кўргазма мобайнида диёримизга маҳаллий тадбиркорлардан ташқари қўшни мамлакатлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондан йирик сармоядорлар, тадбиркорлар ташриф буюрдилар. Кўргазмада «Андижонкабель» АПС, «Ахбороттехавтоматика», «CBOSS», «GH.Com», «Cilat», «PGL», «Piramida», «Sarkor-Telekom», «Statis-Tl», «TS-Technolody», «Vinlad», «UCD» каби йирик компанияларнинг иштирок этганлиги унинг нуфузини оширди.

Шубҳасиз, «ЎзТел»нинг ўтказилиши илғор технологиялар билан танишишда катта аҳамиятга эга бўлиб, шунингдек, замонавий алоқа, офис жиҳозлари, ахборот технологияларини ишлаб чиқишнинг исталган соҳасида муваффақиятли фаолият олиб боришнинг гаровидир.

**Бахтиёр КАРИМОВ**

**«01»**

# Ўт балосидан сақланинг

**Миробод туманида 2002 йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида 81 та ёнғин содир бўлди.**

Ёнғинлар оқибатида 1 киши ҳалок бўлди ва 3 киши тан жароҳати олди. Ёнғинларни таҳлил қилар эканмиз давлат уйларида 24 та, шахсий уйларда 15 та, ишлаб чиқариш корхоналарида 3 та, бошқа масканларда 39 та ўт чиқиш ҳолатларининг юз берганлигини кўрамиз. Ёнғинларнинг асосий сабаби оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, ёш болаларнинг шўхлиги, сигарета чекиш ва носоз ҳолдаги электр иситиш асбобларидан фойдаланишдир.

Бунга мисол сифатида шу йилнинг 28 август куни Ҳамроев кўчаси, 9-уйда содир бўлган ёнғинни айтиб ўтишимиз мумкин.

Ушбу уй олдида доим ёш болалар ўйнаб кўча томондаги деворнинг айрим ғиштларини тушириб юборгандилар. Шу куни ушбу бузилган девор орқали кичик ҳужрахонага олов ёқиб ташлаш оқибатида, ҳужра ва унинг ичидаги эски уй жиҳозлари ёнган ва ҳужра олдидаги дарахтнинг ёниши орқали ўт 12-уйнинг томига ўтган ва 30 квадрат метр майдонда томнинг ёғоч қисми ёнган. Ушбу ёнғин оқибатида 86000 сўм моддий зарар етган.

Бундай нохуш ҳолатлар рўй бермаслиги учун хонадон эгаларидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишларини сўраймиз.

**Миробод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими.**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2002 йилнинг 20 сентябридан 2003 йил учун республика ва чет эл даврий нашрларига

**обуна бошланади.**

Обуна бўлишни хоҳлаганлар Тошкент шаҳридаги барча алоқа бўлимларига ва обуна шохобчаларига мурожаат қилишлари мумкин. Обуна уюштириш масаласи бўйича «Тошкент почтамти» акционерлик жамиятининг 133-47-49, 133-73-56 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

---

Ҳамза туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ҳамда туман ҳокимияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва туман прокуратураси ҳамкорлигида иш билан банд бўлмаган аҳолини, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахсларни, ёшларни иш билан таъминлаш ва касбга ўқитиш учун «Авиасозлар саройи»да 2002 йил 4 октябрь соат 9.00 дан 14.00 гача

**«Бўш иш жойлари»** ярмаркасини ўтказмоқда

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Лисунов 1 квл кўчаси, 1-уй.

**Маълумот учун телефонлар: 96-49-40, 96-45-71.**

---

**«Паркент бозори»** очиқ акционерлик жамияти ҳудудида жойлашган контейнерлар эгалари диққатига!

2002 йил 30 сентябрь кунигача бозор ҳудудида жойлашган, шартнома тузилмаган контейнерлар жарима майдончасига ўтказилиб, ҳисоботи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга топширилиши ҳақида маълум қиламиз.

**«Паркент бозори» ОАЖ бошқаруви**

---

**«Тошиссиққуввати»** ишлаб чиқариш бирлашмаси улгуржи истеъмолчиларга шуни билдирадики, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармасининг буйруғига мувофиқ 2002 йил 4 октябрдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясига 4958 сўм миқдорида улгуржи тариф белгиланди.

---

**«Радио деталлари»** дўкони ҳар қандай радио деталлари, электрон техникаси, ауди-видео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.

**Телефон: 68-93-93.**

---

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги **«VAQT»** кичик корхонаси тугатилади. Даъволар билан эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

**Тошкент — 700020. Уйғур кўчаси, 34Б уй.**

---

2001 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан Чилонзор туманидаги «GUL -BARZ» масъулияти чекланган жамиятига берилган №19-34 рақамли хорижий иш кучини жалб қилишга рухсатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

Саъдулла Исматов номли 141-ўрта мактаб томонидан 2000 йилда Мирзаанвар Умаралиевич Набиев номига берилган ОАА 020064 рақамли 11-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

## «MIGA-PULS» хусусий клиникаси

*«**MIGA-PULS**» хусусий клиникаси Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси 52-уйда тез тиббий ёрдам илмий-текшириш институти рўпарасида жойлашган бўлиб, шифохонада қуйидаги касалликлар аниқланади ва уларга шифо берилади.*

1. Юрак қон-томир тизими касалликлари.
2. Асаб касалликлари.
3. Ошқозон-ичак касалликлари (жигар, ўт қопи, ошқозон ости бези)
4. Қандли диабет.
5. Бронхит. Ўпка зотилжами.
6. Буйрак касалликларидан — пиелонефрит, цистит, гломерулонефрит.
7. Дизбакериоз ҳамда лямблиоз касалликлари.

**ШИФОХОНАДА кундузги стационар ҳам мавжуд.**

Беморлар учун юқоридаги кўрсатилган касалликлар бўйича шифокорлар маслаҳат ҳам беришади.

Клиникамизда қуйидаги диагностик муолажалар ҳам мавжуд:

1. УЗД. (Ултратовуш текшируви).
2. ЭХОЭГ (эхоэнцефалография).
3. РЭГ (реоэнцефалография).
4. ЭКГ (электрокардиограмма).
5. ЭХОкардиография.
6. Клиник ва биохимия лаборатория текширувлари.
7. Дуоденал — зондлаштириш.
8. Массаж (уқалаш)

ДАРДИМГА ДАВО ТОПАЙ ДЕСАНГИЗ БИЗНИНГ КЛИНИКАГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

**79-29-25 телефони кечаю кундуз ишлайди.**

*Тошкент шаҳар коди 8-3712-79-29-25.*

*Кундузги телефонлар: 79-37-64, 79-72-49.*

**Беморлар учун бизда барча қулайликлар яратилган.**

---

# Ҳурматли фуқаролар!

Хабар берамизки, **«Умид»** пул-ютуқли лотереянинг ютуқлар тиражи шу йили 3 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Ҳозирги вақтда «Умид» номли лотереянинг сотилиши давом этмоқда. Олдин сотиб олинган ҳамма лотерея билетлари ҳақиқийдир ва 3 октябрда лотерея тиражининг ўйинида иштирок этади. Лотереямизни сотиб олишга шошилинг!

Шу йили 3 октябрда ўтказиладиган лотерея ўйинлари тиражида қатнашишга сизларни лутфан таклиф этамиз.

Пуллик ютуқларингиз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида ютуқлар тиражининг расмий жадвали чоп этилгандан сўнг 2002 йили 5 октябрдан 2003 йил 5 февралгача бўлган муддатда «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг ҳамма бўлимлари орқали тўланади.

**Маълумотлар учун 133-73-64, 133-45-28 рақамли телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин.**

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳар бўлимлари

---

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг ректорати, жамоаси ва болалар касалликлари кафедрасининг ходимлари кафедра профессори Р.Х.Умаровнинг волидаи муҳтарамаси

**Мукамбар ая УМАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

**ВОҚЕА АРАФАСИДА**

# Шаҳримизда теннис юлдузлари беллашади

**Яқинда ўз ниҳоясига етган Ўзбекистон Президенти Кубоги халқаро теннис турнири мамлакатимиз спорт соҳасида эришган ютуқлари тарихида алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз. Шу билан бирга теннис ихлосмандларини республикамиз ҳаётида яна бир анъанага айланиши кутилаётган янгиликдан воқиф қилмоқчимиз. Шу йилнинг 14-20 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Тошкент теннис маркази» спорт мажмуаси кортларида биринчи бор Осиё теннис юлдузлари ўзаро беллашади. Бундай кенг доирадаги мусобақаларнинг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги йирик мусобақаларни ташкил этувчи мамлакат сифатида нуфузини янада мустаҳкамланишига замин яратади, албатта. Теннис бўйича Осиё чемпионатига тайёргарлик жараёни билан танишиш мақсадида пойтахтимизда меҳмон бўлиб турган Осиё теннис федерациясининг ижроия директори жаноб Утрапати билан суҳбатлашдик.**

**— Жаноб Утрапати, ўзбекистонликлар жаҳон теннис тарихидан бохабар бўлсаларда, шу билан бирга Осиё теннис федерацияси доирасида ўтказиладиган турнирлар хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, ўйлаймизки, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, Осиё теннис федерацияси фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Осиё теннис федерацияси Халқаро теннис федерациясининг бир қисми ҳисобланиб, унинг қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Халқаро теннис федерациясининг Осиё, Европа ва Африка минтақалари давлатлари таркибидан иборат икки мингдан зиёд аъзолари мавжуд. Минтақавий федерациялар ХТФга теннис спортини ривожлантиришга, манфаатдор давлатларни яқиндан қамраб олишга ва турли доирада турнирлар ташкил қилишга бевосита кўмаклашади. Ўз навбатида, 43 та аъзо давлатни ўз ичига қамраган Осиё теннис федерацияси Шарқий, Марказий Осиё, Жанубий-Шарқий ва Шарқий-Осиё минтақаларига бўлинган бўлиб, ҳар бирини ОТФ вице-президенти бошқаради. Сизга маълумки, Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов Марказий Осиё минтақаси бўйича ОТФнинг вице-президенти этиб тайинланган ва унинг асосий вазифалари ушбу минтақада ўтказиладиган теннисга оид барча тадбирлар юзасидан маъмурий ва мувофиқлаштириш ишларини юритиш ҳисобланади.

Осиё теннис федерацияси бир нечта йўналиш, шу жумладан теннис ҳакамлигини ривожлантириш ва минтақавий чемпионатларни ташкил қилиш бўйича фаолият юритади. Осиё чемпионати эркак ва аёллар ўртасидаги мусобақалардан иборат бўлиб, ҳар йили ўтказиб туриладди. Бундан ташқари, ОТФ Осиё ўсмирлар чемпионати, Осиё талабалар чемпионати, фахрий теннисчилар ўртасида чемпионат ҳамда Осиё терма командалар чемпионатини ҳам ташкил этади.

**— Осиё турнирлари бўйича ташкилотчи мамлакат қандай белгиланади? Бу борада талаб ва имтиёзлар нимадан иборат?**

— Галдаги ташкилотчиларни тайинлаш борасида аввалламбор спорт ва хусусий теннис ривожланишида халқаро миқёсда эътибор қозонган давлатларга эътибор қаратилади. Кейинги уч йил давомида Осиё чемпионатлари Гонконгда ўтказилиб келган. Ўзбекистон спортнинг турли йўналишлари бўйича, шу жумладан теннисда эришган ютуқларини ҳисобга олган ҳолда Осиё теннис федерациясига навбатдаги чемпионатни шу ерда ўтказиш юзасидан таклиф билдирди. Қисқа муддатли музокаралар натижасида ОТФ ва Ўзбекистон теннис федерацияси ўртасида шартнома имзоланиб, унга мувофиқ жорий йилдан бошлаб уч йил давомида республика пойтахтида Осиё чемпионатлари бўлиб ўтади. Айтиб ўтиш жоиз, ОТФ учун 2002 йил алоҳида ўрин тутади, чунки бу йили чемпионатнинг юбилей санаси — 30-йиллиги нишонланади ҳамда у нафақат Марказий Осиёда, балки Шарқий Осиёда биринчи маротаба ўтказилиши эътиборга лойиқдир.

Мусобақалар ташкилотчиси бўлган давлатларга кўзда тутилган имтиёзларга келсак, агарда ҳар бир давлатдан фақат иккитадан спортчи қатнашиши мумкин бўлса, ташкилотчилар томонидан тўрттадан ўйинчи номзодини кўрсатиш имконияти бор, шу жумладан маҳаллий истиқболли теннисчилар қаторида бошқа мамлакатлар таниқли спортчиларини «Wild kard» бўйича таклиф қилиши мумкин.

**Ҳозирда мусобақага қизғин тайёргарлик кетмоқда. Осиё чемпионатида қатнашадиган давлатлар сони ҳам маълум бўлиб қолган бўлса керак?**

— Биринчилар қаторида Осиё чемпионатида қатнашиш учун Филиппин, Малайзия, Индонезия, Япония, Хитой, Эрон каби давлатлардан тақдимномалар тушган. Бу жараён ҳозирда давом этмоқда. Жанубий Кореяда Осиё ўйинлари якунланиши билан Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Осиё чемпионати иштирокчилари аниқ маълум бўлади.

**— Маълумки, чемпионат доирасида Осиё теннис федерацияси Директорлар кенгаши йиғилишини ўтказиш режалаштирилган. Мазкур тадбирда қандай масалалар кўриб чиқилади?**

— Директорлар кенгаши таркиби ОТФнинг минтақавий федерациялари раҳбарларидан иборат бўлиб, унинг йиғилишлари йирик турнирлар, хусусан Осиё чемпионати доирасида ўтказилади. Кенгашларда теннисга оид муҳим аҳамиятга эга масалалар муҳокама қилиниб, сўнг йиллик конгресслар кун тартибига киритилади. Жумладан, кенгаш учрашувларида йил давомида амалга оширилган ишлар натижалари кўрилади, кейинги мавсум дастурлари тасдиқланади, бюджет масалалари ҳам ҳал этилади. Шунингдек, Осиё федерацияси мукофотига сазовор номзод давлатлар аниқланади. Мукофотни топшириш маросими эса ОТФнинг навбатдаги йиллик конгресси доирасида бўлиб ўтади. Дарвоқе, Ўзбекистон ҳам номзодлар қаторида.

**— Жаноб Утрапати, Ўзбекистонга биринчи маротаба келишингиз эмас, яъни мамлакатимиз ҳақида аниқ таассуротларингиз бор...**

— Шундай. Айниқса бу ерда ҳамфикр, ҳамнафас дўстлар орттирганимни таъкидлаб ўтмоқчиман. Қолаверса, инсонпарвар, бағрикенг, меҳр-оқибатга тўла ўзбек халқининг урф-одатлари мени ҳануз ҳайратга солади.

Асосий мавзуимизга қайтадиган бўлсак, Ўзбекистонда теннис билан бир қаторда спортнинг бир неча турлари ривожланмоқда. Ишончим комилки, сизнинг теннисдаги ютуқларингиз аввалламбор ҳукумат, шахсан Ўзбекистон Президенти томонидан қўллаб-қувватланаётгани учун ҳам янада ортиб бораверади. Умуман олганда бу борада салмоқли ютуқларга эга бўлиш учун сизларда барча шароит мавжуд — катта тажрибага эга ҳакамлик кенгаши, халқаро андозалар даражасидаги спорт мажмуалари, шу жумладан теннис кортлари, спорт анжуманлари ва мусобақаларини ўтказиш учун ҳомийлар бисёрлиги ва албатта муваффақиятлар қозонган спортчилар — буларнинг бари имкониятлар доираси янада кенгайиши учун омилдир. Ўзбекистонда биринчи марта теннис бўйича Осиё чемпионати ўтказилишини ҳам шундай имкониятлардан бири десак адашмаймиз.

**Суҳбатни**
**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**олиб борди.**

**ФУТБОЛ**

# Азаматнинг хайрлашув учрашуви

**Абдураимовлар сулоласини нафақат юртимизда, балки ундан ташқарида ҳам яхши билишади. Зеро Биродар Абдураимов ва унинг ўғиллари ўзбек футболи довруғини бошқа мамлакатларда ёйишга ҳам катта ҳисса қўшганлар. Бежиз ушбу оила ўтган асрда ўзбек футболидаги энг яхши сулола деб тан олинмаган.**

Оиланинг катта фарзанди Азамат яшил майдонда отаси каби катта шуҳрат қозонган чарм тўп усталари қаторига киради. У нафақат Ўзбекистон, балки Россия, Тожикистон, Бангладеш, Малайзия, Саудия Арабистони каби мамлакатлар етакчи клубларида ҳам муваффақиятли ўйнаб футболдаги бутун фаолияти давомида 217 та тўп киритган. Миллий терма жамоамиз сафларида урган ўнта голидан энг қимматлиси, эсда қоларлиси ва «олтини», бу шубҳасиз 1994 йилги Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинлари ярим финалида Жанубий кореяликлар дарвозасига киритилган ва Ўзбекистонга чемпионлик сари йўл очган тўп ҳисобланади. Эътиборга лойиқ томони шундаки, Азамат хорижда тўп сурган пайтида ҳам етакчи ўйинчилар даражасида бўлиб салмоқли муваффақиятларга эришган. Жумладан, у чет эллардаги чемпионатларда ҳам ғолиб чиққан, Кубок соҳиби ва энг яхши тўпурар бўлган. 1992-1994 йилларда терма жамоа сардори бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Азамат Абдураимов 1994 йили Осиёнинг энг кучли ўн спортчиси қаторидан ўрин олган.





**ЎТГАН КУНИ**

«Пахтакор» Марказий стадионида Азамат Абдураимовнинг катта футбол билан хайрлашув ўйини бўлиб ўтди. Шуни таъкидлаш керакки, бу яна бир Осиё ўйинлари ғолиби Шуҳрат Мақсудовдан кейин иккинчи бор ўтказилаётган хайрлашув тадбиридир. Ўзбек футболининг 90 йиллик тантаналари нишонланган қутлуғ кунларда Азамат Абдураимовнинг яшил майдондаги охирги ўйини ҳам ушбу байрамга узвий боғланиб кетди.

Шу куни стадионга йиғилган кўп сонли ишқибозлар қизиқарли ва ҳаяжонларга бой тадбирларнинг гувоҳи бўлишди. Хусусан, чарм тўп устасини «Аббос», «Аъло», «Сахар», «D. J PILIGRIM» гуруҳлари ўз чиройли чиқишлари билан қутлашди. Ўзбекистон футбол федерациясининг масъул ходими Рустам Акромов, чарм тўп юлдузи Муҳсин Муҳаммадиев, фидойи ишқибоз Саъдулла Аҳмедов, онаси Раънохон Абдураимовалар ўз дил сўзларини билдиришди.

Сўнг Азамат кўп йиллар тўп сурган «Пахтакор» командаси ва 1994 йилги Осиё ўйинлари ғолиби бўлган Ўзбекистон фахрийлари терма жамоаси ўртасида қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Футбол ишқибозлари саккиз йилдан кейин яшил майдонда яна биргаликда тўп сурган М.Қосимов, Ф.Магометов, А.Дўрмонов, Г.Денисов, И.Шарипов, Р.Бозоров, И.Шквирин, А.Абдураимов, А.Микляков, Ш.Максудовларни кўришди. Уларга қарши эса «Пахтакор»нинг чемпионлик сари интилаётган «жанговар» таркиби тўп сурди.

Ўйин бошларида Азамат Абдураимов ўн бир метрлик жарима тўпи орқали ҳисобни очган бўлса, орадан кўп ўтмай Сервер Жеперов боши билан чиройли гол киритиб вазиятни тенглаштирди. Неъматулла Қуттибоев тўпи орқали «Пахтакор» биринчи бўлимни ўз фойдасига ҳал этди. Иккинчи бўлимда стадионда тўплар «ёмғири» ёғилди ва қизиқардли ўйин жанговар дуранг — 5:5 ҳисобида тугади.

Албатта, ўйиндан кейин моҳир футболчи яна қутланди. Хусусан, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон футбол федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар Азамат Абдураимовга топширилди.

Қизиқарли тадбир чемпионлар қўшиғининг куйланиши ва мушакбозлик билан ниҳоясига етди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон-94» фахрийлар терма жамоаси; Азамат Абдураимов ўйинда биринчи тўпни тепиб берган қизи Олияхон билан.**
**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**

# Яна бир ғалаба!

Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Артур Григоряннинг зафарли одими давом этмоқда. Чунки жаҳон чемпионлигига даъвогар сифатида рингга чиққан Италия боксчиси Стефано Зофф ҳам ҳамюртимиз Артурга бас келолмади. Ва Артур Григорян ғолиб деб эълон қилинди. Навбатдаги ғалабанг муборак, Артур!

# ЁШ ТАНЛАМАЙДИГАН ЎЙИН

**Тошкент шаҳар бильярд спорти федерацияси ушбу қадимий қизиқарли ўйинни аҳоли ўртасида кенг оммалаштириш борасида саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.**

Ҳозирги кунда шаҳарда кўпгина бильярд клублари ташкил этилган. Ушбу клубларда ҳам бильярд ўйнаш, ушбу ўйинни ўрганиш, кўнгилли хордиқ чиқариш мумкин. Зеро, бильярд ёш танламайдиган ўйин бўлиб, у билан ҳамма бирдай шуғулланиши мумкин.

— Федерация томонидан ўсмирлар учун бильярд мактабларини ташкил этиш дастури ишлаб чиқилган, — дейди шаҳар бильярд федерациясининг раиси Хайриддин Рафиқов. — Уни амалга ошириш юмушига пойтахтдаги бильярд клублари яқиндан кўмак беришади — барча керакли анжомлар билан таъминлашади.

Тез кунларда бильярд бўйича шаҳар биринчилиги мусобақаларини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Унда барча хоҳловчилар қатнашишлари мумкин. Профессионаллар ўртасида ўтказиладиган шаҳар биринчилиги ҳам қизиқарли кечишига шубҳа йўқ.

Бильярд оламидаги янгиликлар тўғрисида «Спорт янгиликлари» рукни орқали муштарийларимизни хабардор қилиб турамиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ЭЪЛОН**

**2002 йил 28 сентябрда Глинка кўчасида жойлашган «Уч апельсин» бильярд клубида фахрийлар** ўртасида бильярд бўйича мусобақалар ташкил этилади. Унда иштирок этиш учун 55 ва ундан катта ёшдаги барча хоҳловчилар таклиф этилади.

**Маълумотлар учун: 55-78-40, 22-87-71, 92-17-15 телефонларига мурожаат қилинг.**

**Ташкилий қўмита.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Инсонга хос барча фазилатларнинг энг муҳими ва энг олийжанobi — ақлдир.

● Ақл ҳиссиётнинг кўзини очади.

● Доно одамнинг хислати уч хил нарсада намоён бўлади: биринчиси, бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади; иккинчиси, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди ва учинчиси ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр -тоқат билан чидайди.

● Ҳар қандай доноликнинг замини — сабр-қаноатдир.

Ҳикоят: Навоий ёшлигида отадан етим қолади. Шундан кейин у Самарқандга бориб мадрасада ўқийди. Кўп қийинчиликлар билан ўқишни тамомлаб, яна ўз шаҳрига қайтади. От-уловсиз пиёда юриб, бир неча кун деганда, бир тоққа келади. Бу жойда бир мўйсафид чўпон билан учрашади. Навоий чўпонни дарров танийди. Чўпон ўзини кўтариб катта қилган отасининг қўйбоқари экан, чол ҳам Навоийни таниб: «Тушимми, ўнггимми?», деб кўришади. Дарров белбоғидан иккита нон чиқариб Навоийни сут билан меҳмон қилади. Навоий чўпондан:

— Бу қўйлар кимники? — деб сўрайди. Чол:

— Болам, бу қўйларнинг ҳаммаси сизники, сиз у ёқдалигингизда отангизнинг моллари ҳар кимнинг қўлида қолиб эди. Отангиз ҳаёт вақтларида 200 қўйни сизга атаб, менга топширган эди. Бу қўйлар болалаб ҳозир 700 дан ошди. Отангизнинг насиҳатини ўз ўрнига қўйганим учун хурсандман. Бу қўйларни энди сизга топшираман, — дейди.

Навоий бир кеча чўпоннинг уйида меҳмон бўлади. Эртаси қўйлардан икки юзини ажратиб чолга беради:

— Ота, сиз ҳам бола-чақали одамсиз. Мана бу қўйларни хизмат ҳаққингиз учун олинг.

Чўпон Навоийдан жуда хурсанд бўлади. Шундан сўнг Навоий қолган беш юз қўйни ҳайдаб бозорга олиб кетади. Бу қўйлар жуда семиз бўлгани учун атрофини харидорлар ўраб оладилар. Одамлар Навоийдан:

— Қўйингиз неча пул? — деб сўрайдилар. Навоий:

— Фалон пул. Лекин мен қўйимни насияга бераман. Шу шарт биланки, пулини подшоҳ ўлганида берасизлар. Шу шартимга кўнган киши биттадан етаклаб олиб кетаверсин, — дейди.

Бозордаги одамлар дарров талашиб, қўйларни биттадан етаклаб олиб кетадилар. Шу куни подшоҳнинг амалдорлари унга бу хабарни етказадилар:

— Эй подшоҳи олам, нима дейсиз, бугун бозорга бир қаландар сифат йигит келиб беш юз қўйни халққа насияга тарқатиб кетди. Пулини подшоҳ ўлган куни берасизлар, — деб сизга ўлим тилади, — дейдилар. Шунда подшоҳ ғазабланиб:

— Боринглар, ўша қаландарни мени ҳузуримга ҳозир қилинглар, — деб буюради.

Амалдорлар дарров бозорга бориб Навоийнинг қўлини орқасига боғлаб, подшоҳ қошига олиб келадилар. Подшоҳ қараса, ёшликда бирга ўқиган дўсти Навоий экан. Подшоҳ Навоийга:

— Нима учун шунча қўйни халққа бериб юбордингиз, менинг ўлимимга шунчалик розимисиз? — дейди. Шунда Навоий:

— Эй подшоҳим, мен чакки иш қилганим қўй. Сизнинг подшоҳ бўлганингизни эшитиб қўйларни талатиб юбордим. Шундай ҳам бериб юборишим мумкин эди. Бироқ баъзи бир одламлар текин молдан хазар қилишади. Шунинг учун қўйнинг пулини подшоҳ ўлган куни берасиз, деб айтдим. Энди қўйларни олиб кетган одамлар: «Ишқилиб подшоҳимиз ўлмасин, подшоҳ ўлса Навоий пулини қистайди» , — деб сизни дуо қилиб юришади, — деди.

Навоийнинг бу донолигига подшоҳнинг завқи келиб уни ўзига вазир қилиб олди.

Байт:

**Ақлдан ғамлик, шодлик, ўктамлик,**
**Ақлдан борлигу йўқлигу камлик.**
**Ақл улуғликка этади пайванд,**
**Ақлсизнинг доим оёғида банд.**

● Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

● Донишманд — баққолнинг дўконига ўхшайди, борини индамайгина кўрсатади — қўяди; нодон эса лашкар ноғорасининг ўзи: овози баланду, ичи бўм-бўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапиради, телба- нодон одам эса доимо гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳамиша фикрининг измида; телба-нодонда бўлса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва ғийбатчидир.

*ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН*

Муҳаммад Авфий

# Жавомиъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

* * *

Ривоят қилибдурларки, қайсидир мамлакатнинг шоҳи, ҳар хил табақага мансуб бўлган кишиларни ўз саройига чақирди. Йиғилган одамлар орасидан бир киши ўрнидан туриб подшоҳга деди: «Шоҳ, мен сенинг ҳузурингга бир ҳикматли сўз келтирдим. Агар ижозат бўлса айтай? Шоҳ ижозат берди. Донишманд ҳикматга оғиз очди: «Ўз-ўзидан маълумки, яхши кирдикорли кишига яхши мукофот берасан. Аммо ёмон кирдикорли кишини жазолашга ошиқма, гарчи машаққатли бўлса-да, сабр қил, токи у киши ўзининг ёмон кирдикорларидан жазо топгай», деди.

Подшоҳ бу сўзни маъқул кўрди ва шайхга маълум миқдорда мояна белгилаб, деди: «Сен ҳар куни саройга келиб, ушбу ҳикматли сўзни такрорлайсан, токи ҳамма эшитсин». Шундай қилиб, шайх кунда саройга келиб, жамоат ўртасида юқоридаги сўзни такрорларди. Шоҳ унга инъомлар бериб, уни хушнуд қиларди.

Шайхнинг ошноларидан бири шайхга ўхшаш воиз эди. У шайхнинг подшоҳдан олаётган инъомларига ҳасад қилар ва доим ўз-ўзига, озгина ҳаракат билан катта давлатга эга бўлиш... бунга асло чидаб бўлмайди, дерди.

Ниҳоят, ҳасад ўти шуълаланиб, ўз ошнасига ҳасад қилмоққа қарор қилди. Бир кун ҳасадчи подшоҳнинг олдига бориб шайх устидан иғво бошлади: «Шоҳ, сен бир таги паст, бадкирдор шайхга бағоят кўп илтифотлар кўрсатиб, уни суҳбатингга ноил қилибдурсан. Боз устига катта мояна белгилабсан. Аммо у кўрнамак ҳар ерда ҳар хил одамлар ўртасида сени мазах қилиб устингдан кулиб юрадур. Чунончи, «подшоҳнинг оғзидан бадбўй ва нохуш ҳид келадур», дейди».

Шоҳ сўради: «Бу сўзингни қандай далил билан исбот қиласан?»

«Бунга исбот улдирким, — деди ҳасадчи, — шайх эртага ваъз айтмоқ учун бу ерга келса, уни ўз ёнингга ўтқазиб, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлаш. Шунда у дарров қўли билан оғзи ва бурнини беркитиб олади».

Эртаси бомдоддан сўнг, ҳасадчи шайхнинг уйига бориб, уни меҳмонга таклиф қилди. Шайх подшоҳ саройига кетаётиб, йўл устида ҳасадчиникига кирди, ҳасадчи угра ошга кўпроқ саримсоқ солиб, шайхнинг олдига қўйди ва зўр бериб, уграни ичишга ундади. Шайх овқатни тез-тез ичиб, ўз вақтида саройга етиб келди. Подшоҳ ҳасадчининг сўзидан ҳалигача беқарор ва ғазабда эди.

Шайхни ўз олдига чақириб у билан суҳбатлаша бошлади. Суҳбат асносида шайх ўзининг оғзидан келаётган саримсоқ ҳиди магар подшоҳнинг димоғига кириб нохуш қилмагай, деган андиша билан ўз оғзи ва бурнини қўли билан беркитиб турарди. Подшоҳ бу аҳволни кўриб ўзича ўйлади: «Кечаги одамнинг сўзи тўғри экан...» Подшоҳ бир хат ёзди. Хатда шундай дейилган эди: «Ушбу хат олиб борувчини дарҳол ўлдир!» У хатни посбонга олиб боришни ва ундан инъом олишни тайинлади.

Шайх хурсанд бўлиб, хатни олиб, шоҳнинг олдидан ташқарига чиқди. Эшик олдида ҳасадчи ошнаси турарди. Шайхни хушнуд аҳволда кўриб сўради:

— Нима гап?

— Шоҳ менга инъом тайинлади, — деб қўлидаги мактубни кўрсатди. Ҳасадчи ҳайрон бўлиб, ўйларди: «Шунчалик ҳаракат қилсам ҳам барибир бўлмади». Ҳасадчи шайхдан илтимос қила бошлади: «Ушбу инъомни бир сафар менга бер. Мени миннат ва заҳматдан қутқар. Вақти келиб албатта бунинг мукофотини кўрарсан», деди.

Шайх эрталаб унинг уйида овқатлангани туфайли ҳеч нарса дея олмади. Хатни ҳасадчига берди. Ҳасадчи хатни олгач, посбон олдига югурди. Посбон ул кишини қаттиқ қийноқлар билан ўлдирди. Бу хат бошқа одам учун ёзилган эди, деб ҳасадчи фарёд қилди, фойдаси бўлмади.

Эртаси кун шайх саройга келиб, яна ўша ҳикматли сўзни такрорлади. Подшоҳ шайхни олдига чақириб хатни кимга берганини сўради.

— Сиз берган инъомни фалончи киши мендан илтимос қилиб олди. Мен худо йўлида унга бердим, — деди шайх. Подшоҳ ажабланди ва шайхга қараб:

— Қизиқ, ўша киши бизга келиб сенинг ҳақингда хунук хабар берган эди. Чунончи, сен ҳар ерда «подшоҳнинг оғзи сассиқ», дер эмишсан, — деди. Шайх ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бундай сўзни айтмаганлигига қасам ичди ва деди: «Ўша куни оғиз-бурнимни беркитишимнинг сабаби, ул киши мени уйига олиб бориб, овқатга саримсоқ қўшиб берган эди».

Подшоҳга шайхнинг бегуноҳлиги маълум бўлди ва деди: «Сен айтган ҳикматли сўзнинг ҳикматини амалда кўрдик: ўзи қазиган чоҳга ўзи йиқилди».

**(Давоми бор.)**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

*БЎШ ВАҚТИНГИЗДА*

# Бошқотирма



**Ёйлар бўйича:** 1. Пойтахтимиз жойлашган воҳага номдош дарё. (2). 4. Алишер Навоий замондоши, қасиданавис шоир ва тарихчи, бастакор. (5). 7. Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш. (1). 10. «Тошкент ироғи» номини олган ашула ғазалини ёзиб қолдирган шоир. (1). 13. Асосан ватанимизга чегарадош республикада яшовчи миллат. (1).

**Диагонал бўйича:** 2. Баланд тоғларда яшовчи йиртқич. (2). 3. Венгрия автомобили маркаси. (3). 5. Барча учун белгиланганидан ортиқ енгиллик. (4). 6. Гули уй жонивори оғзига ўхшаш ўсимлик. 8. Бино. (5). 9. Бирор вазифани амалга ошириш учун берилган ҳақ-ҳуқуқ. 11. Тақинчоқ тури. 12. Афсонавий юнон шоири Гомер достони. 14. Тожикистондаги дарёга номдош шаҳар. 15. Дурадгорлик асбоби. (5).

**«Занжир» ҳолида:** 16. Болгария пул бирлиги. (1). 17. Қон томири тури. (4). 18. Эрта тонг. (3). 19. Бўёқ билан ёки ўйиб ишланган миллий безак. 20. Иштиёқ, завқ. (2). 21. Шамсий йил ҳисобидаги тўққизинчи ой. 22. Ҳужжат ёки асарнинг ҳар бир йўли. 23. Ўзбек халқ мақоми. (2). 24. Йўғон махсус арқон. (2). 25. Кавказдаги оромбахш маскан. 26. Суякдаги ёғсимон модда. 27. Ҳамдўстликдаги республика пойтахти. (2). 28. Садоқат. (2). 29. Жангда махсус қазилган мослама. 30. Мақолдан: Қари билганни... билмас. 31. Сўзларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар мажмуи. (3). 32. Бахт, толе.(2). 33. Инсоннинг ички туйғулари дунёси, кўнгил. (1).

**Муаммонома**

Қуйида берилган рақамлар юқоридаги сўзлар тартибини англатади. Уларни жавобларнинг сўзлар таърифидан сўнг қавс ичида берилган тартибдаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

7; 3; 2; 8; 10, 18; 16; 17; 32; 5; 15.
27; 33; 23; 24; 28. 13; 1; 31; 20; 33; 4.

Улардан аён бўладиган ҳикмат «Оталар сўзи» асарига мансуб.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 13 сентябрь сонида берилган «Ж» ҳарфли бошқотирманинг жавоблари:**

**Ёйлар бўйича:** 1. Жуков. 2. Жадид. 3. Жануб. 4. «Жасорат». 5. Жалилов. 6. Жевак. 7. Жетон. 8. Жалойир. 9. Жамалак. 10. Жавон. 11. Жаҳон. 12. Жайдари. 13. Жавоҳир. 14. Жигар. 15. Жийда. 16. Жайра.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. «Ўғри». 2. Ҳулкар. 3. Герб. 4. Тўқмоқ. 5. Чевар. 6. Соя.

**Ҳикмат:**

**Тўғрилик учрамас ҳечам балога,**
**Сарв қуриса ҳамки ярар асоға.**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-809. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 12.40 1 2 3 4 5 6